

Усмонова М.А. - Фаргона давлат техника университети "Ижтимоий фанлар ва спорт" кафедрасининг катта ўқитувчиси, Фаргона шаҳри, Ўзбекистон Республикаси.

Усмонова М.А. старший преподаватель, кафедры «Общественные науки и спорта» Ферганского государственного технического университета, г. Фергана, Республика Узбекистан.

Usmonova M.A., Senior Lecturer in the Department of Social Sciences and Sports at Fergana State Technical University, Fergana, Republic of Uzbekistan.

**ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДАГИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН
АСРАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ.
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ЗАЩИТЫ ОТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
АТАК В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ.
CURRENT ISSUES OF PROTECTION FROM INFORMATION
ATTACKS ON SOCIAL NETWORKS.**

***Аннотация.** Maqolada dunyo jamoatchiligini tobora jiddiy tashvishga solayotgan ijtimoiy tarmoqlardagi axborot xurujlari shiddatli tus olib borayotganligi, bunga ta'sir ko'rsatayotgan ayrim omillar va buning oqibatida insoniyat boshiga tushayotgan katta muammolar va ularning oldini olish muammolari yuzasidan fikr yuritilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются возрастания угроз терроризма, приводящие к серьёзной обеспокоенности широкой общественности, а также некоторые факторы, оказывающие влияние на этот процесс, указанные последствия терроризма для всего человечества и вопросы предотвращения этих угроз.*

***Abstract.** This article examines the rising threats of terrorism, which are causing serious concern among the general public. It also discusses some*

factors influencing this process, outlines the consequences of terrorism for all of humanity, and addresses issues related to preventing these threats.

Калим сўзлар: *yoshlar, internet, globallashuv jarayonlari, ijtimoiy tarmoqlar, axborot xurujlari, mafkuraviy xurujlar, axborot urushlari, yoshlar ongi.*

Ключевые слова: *молодежь, интернет, процессы глобализации, социальные сети, информационные атаки, идеологические нападки, информационные войны, сознание молодежи.*

Keywords: *youth, internet, globalization processes, social networks, information attacks, ideological assaults, information warfare, youth consciousness.*

Интернет – фан техника тараққиёти натижасида вужудга келган ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳаётни интернетсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Айниқса, ёшлар ҳаётида вертуал маконнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернетнинг афзал томонлари дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукамал даражада осонлаштиради. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда глобал тармоқдан фойдаланувчилар ўн баробарга ошган. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулай ва оммабоплиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъазо этмоқда. Мамлакатимизда 2007 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони мобил интернет фойдаланувчилари билан қўшиб ҳисоблаганда бир миллионни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунида бу кўрсаткич йигирма миллиондан ошди. Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, ҳуқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг

ривожии ёшларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва қўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс ҳисобланади. Бироқ, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради.

Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган. Ушбу факт ва рақамлар интернет саноати ривожланиб бораётган даврда кишиларнинг ахборотларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик, огоҳлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишлари талаб этилади. Бошқача айтганда, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Айнан шу тараққиёт воситасидан устамона фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли диний-экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда. Бунда диний-экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган.

Айтиш керакки, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз саҳифаларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-35 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда «нишон»га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Facebook, Odnoklassniki, Telegram, WhatsApp каби кенг аудиторияга эга

бўлган ижтимоий тармоқлар орқали ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик жўнатилади ва ўзаро алоқа йўлга қўйилади. Ёшлар орасида мутаассибликка йўғирилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи «фатво»ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар катта куч ҳисобланади. Уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нимани сингдирилса, ўша тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузоғига илинтиришга ҳаракат қилади. Улардаги ишонувчанлик, куч ғайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади. Шунинг билан бирга, бугунги кунда аксарият ёшларнинг қўлида интернетга уланган замонавий уяли алоқа воситалари мавжуд. Бу ҳол уларнинг юқорида санаб ўтилган турли хил ижтимоий тармоқларга бевосита уланиш, дўстлари ва танишлари билан узлуксиз мулоқот қилиш имконини беради. Айни пайтда, статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда энг кўп юклаб олинаётган дастур ичида «WhatsApp», «Telegram» тармоқлари етакчи ўринни эгаллайди. Илм-фаннинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушқулини осон қилаётгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу кашфиётлар дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Бироқ, мазкур тармоқларда миллатлар ва динлар ўртасида адоватни келтириб чиқарувчи, низоли вазиятларга сабаб бўлувчи, шунингдек, инсонлар орасида ваҳима уйғотишга қаратилган иғво, фитна-фасод хабарларнинг кенг тарқатилаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Айниқса, ёшлар ўртасида урфга айланган мазкур мулоқот тизимидан диний-экстремистик оқим аъзолари ҳам унумли фойдаланмоқда. Чунки интернет орқали алоқа боғлашнинг осонлиги, фойдаланувчилар сонининг кўплиги, алоқанинг анонимлиги, ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чекланганлиги, ахборотлар қисқа муддатда

кенг маконда тез тарқалиши, фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги террорчи гуруҳлар учун ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришнинг қулай жиҳатларидан бири ҳисобланади. Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали «жиҳод», «шаҳидлик», «ҳижрат» тушунчаларини нотўғри талқин этмоқдалар. Провард натижада ўз Ватанларини тарк этишга чиқармоқдалар.

Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли равишда ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асоссиз ахборотлар, манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолавҳалар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси кўрсатилмаган, асоссиз ахборот ва маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бугун ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади. Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда «Бу ахборотни ким узатаёпти?», «Нима учун узатаёпти?» ва «Қандай мақсадда узатаёпти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак. Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона

эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади. Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади. «Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қилади», деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган.

Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Шу ўринда «Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя» китобида ёшларнинг турли оқимларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари учун интернетдан фойдаланишда қуйидаги зарурий кўрсатмаларга аҳамият беришни тавсия этади:

*Ёшларнинг бўш вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтириш билан ўтказиши хатодир. Чунки, ҳеч нарса жонли, ҳақиқий ва реал мулоқотлар ўрнини боса олмайди;

*Интернетдан фойдаланувчилар шахсий маълумотларини турли ижтимоий тармоқлар, блогларга, электрон почталарга киритишлари, ғаразли мақсаддаги кишиларга айнаи муддао бўлиб хизмат қилади;

*«ўргимчак тўри»да ақидапарастликни тарғиб қилувчи сайтлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай таҳликали замонда ёшларга фақат «uz» доменидаги сайтлардан фойдаланиш тавсия қилинади;

*Ҳар қандай хабарни бошқаларга тарқатиш керак дейилса, таркатавермаслик лозим. Баъзан исломий иборалар аралашган мактуб

келади. Унда бу хатни шу кечанинг ўзида, бир неча кишига тарқатишингиз керак. Шундай қилсангиз ундоқ бўлади. Қилмасангиз оқибати ёмон бўлиши айтилади. Аслида бу нарсаларнинг бари ёлгон ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ислом дини кўрсатмаларида ҳам нақл қилинган бирор хабарга ишонишдан аввал уни текшириб, аниқлаб олиш талаб этилади. Жумладан, Қуръони Каримда шундай дейилади: «Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар ҳақиқий аҳволни билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, кейин қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун у хабарни аниқлаб текшириб кўрингиз!» (Хужурот, 6). Бу ҳақида Қуръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўрона эргашишдан қайтарилади: «Эй, инсон! Ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида ҳар бир инсон масъул бўлур жавоб берур » (Исро, 36). Демак, инсон кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган бир неча ҳадисларда ҳам шундай дейилади: «Хабарни текшириш Аллоҳдан, (унда) шошқалоқлик қилиш шайтондандир», деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Таъкидлаш лозимки, интернетда бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, ижтимоий тармоқдаги гуруҳлар сони кун сайин кўпаймоқда. Турли ёлгон маълумотлар кўпайган бир вақтда тўғри ва ҳаққоний ахборотни ажратиш йўллари билиш лозим. Жумладан, бундай шароитда аждодлар тутган йўлни танлаш керак. Имом Бухорий ҳадисларнинг саҳих, заиф ва тўқималарини ажратишда жуда моҳир бўлганлари сир эмас. Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ровийси, яъни ривоят қилувчисини қидириб топадилар. Лекин ровий бир отни куруқ тўрва билан алдаб, кўрага олиб кираётганини кўриб, суҳбатлашмасдан қайтганлари

ҳақида баён қилинган. Бунда чуқур маъно бор. Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш ислом моҳиятига кўра, шайтон йўлига кириш ҳамда ёлғончи бўлиб қолиш билан баробар бўлади. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади. Ёшларни турли хилдаги ёт ғоялардан асрашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, жамоатчилик фикрини чалғитаётган, вайронкор ахборотлар ташқаридан келаётганини назарда тутиб, мунтазам уларга қарши туриш. Бефарқлик ва сукут сақлаш кайфиятига барҳам бериш.

Иккинчидан, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдириш ва бунда эҳтиросга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан вазминлик ва босиқлик, айна пайтда, уддабуронлик билан кучлик таъсир ўтказиш усуллари қўллаш.

Бинобарин, бугунги кунда, турли гуруҳ вакиллари миллатни йўқ қилиш, илдизини қирқиб ташлаш мақсадида ахборот тизимидан фойдаланишга зўр бермоқда. Мана шу жараёнда ёшлар ўзининг ақлий салоҳиятини ишга солиб, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини шакллантириши лозим. Охирги пайтларда интернет тармоқларида ҳар хил асоссиз ахборотлар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган уйдирма маълумотлар жуда кўп тарқатилмоқдаки, буларнинг таъсирида ёшлар орасида бир-бирига нисбатан кескин адоватлар авж олиши кузатилмоқда. Унутмаслик лозимки, ахборот хуружлари – бирон шахсга, муайян ташкилот ёки давлатга қарши йўналтирилган ғоявий таъсир ҳисобланади. Унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг тинчлигини бузиш ҳамда қора ниятига етишдир. Ёшларнинг барчаси интернет тармоғидан фақат илм йўлида фойдаланмоқда десак, янглишамиз. Афсуски, интернетдан нотўғри,

бузғунчилик ва беҳаёликка доир маълумотларни олишда ҳам фойдаланмоқда. Бу каби нохуш ҳолатлардан сўнг ёшлар келажакда қаҳри қаттиқ, меҳрсиз, ҳаёсиз бўлиб етишмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Маълумки, кўплаб сайт ва тармоқлар катта маблағлар эвазига филтирлаб қўйилган ва бу ҳолатни кўп давлатларда кузатиш мумкин.

Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажакимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган оиласини дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан, турли хил ножўя ахборот хуружларидан асраш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш, бунда «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. А.А.Иминов. КИБЕРМАКОНДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 5 | May, 2022 | SJIF: 5,965 | UIF: 7,6 | ISRA: JIF 1.947 | Google Scholar | www.carjis.org
2. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
3. Азимов. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий муҳандислик “Техник билимлар”, 2020 йил.
4. Ж. М. Абдурахмонов. Қурбонларни ижтимоий муҳандислик хуружларидан ҳимоя қилиш: назарий ва амалиёт асослари. “Фан ва таълим”, 2021 г.
5. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш

Академия, 2005 йил.

6. Мадаминов, А.А. (2019). Актуальные проблемы социализации молодежи в условиях глобализации. Экономика и социум, (4 (59)), 62-64.
7. Мадаминов, А. А. (2023). Инновационные технологии важный фактор развития Узбекистана (на примере образования). Экономика и социум, (12 (115)-1), 1210-1212.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_3waDc4AAAAJ&citation_for_view=_3waDc4AAAAJ:b0M2c_1WBrUC

8. Эргашев У. А. Гармонично развитое поколение-решающая сила развития Нового Узбекистана //Экономика и социум. – 2021. – №. 11-2 (90). – С. 730-732.